

## Поччамнинг закоти

08:23 / 18.08.2019 3454

Ассалому алайкум! Сизларни кириб келган Рамазон ойи билан муборакбод этаман! Минг илтимослар билан икки саволим бор эди. Бу саволни опам ва поччамнинг номларидан ёзмоқдаман. Савол:1) Ҳовлисини сотган(300 млн) апам ва поччам закот беришмоқчи. Оилада 5 қиз булганлигимиз сабабли ота онам фақат пенсияга аранг яшашади. Соғлиқлари узига яраша, шу муайян пулдан поччам закот деб мулк қилиб берсалар жоизми? 2) қолган пулларига ота онам томонларда умуман масжиднинг юқлиги сабаб, масжид қурилишига сарфласалар закот урнига утадимми?

**«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати:**

- Ва алайкум ассалом! 1). Агар поччангиз аввалдан закотга қодир бўлган бўлса сизларга берса бўлади.

2). Закот масжидга берилмайди. Валлоҳу аълам!